Вараънинг турлари ва даражалари | Тазкия дарслари (263-дарс)

19:00 / 06.01.2024 1731

Роғиб вараъни уч турга тақсимлаган:

1. Вожиб.

Бу турдаги вараъ ҳаромлардан сақланишдан иборат бўлиб, барчага баробардир.

2. Мандуб.

Бу турдаги вараъ шубҳалардан сақланишдан иборат бўлиб, ўртача йўл тутадиган кишилар учундир.

3. Фазилат.

Бу турдаги вараъ кўп мубоҳлардан ҳам тийилиш ва энг оз заруратлар ила кифояланишдан иборат бўлиб, набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар учундир.

Имом Ғаззолий вараъни тўрт даражага тақсимлаганлар:

Биринчи даража:

Адолатлилар вараъ сифати бўлиб, у ҳаромлигига фатво берилган ва уни қилганлар фосиқ ва осий бўлиши шубҳасиз бўлган нарсалардан четда

бўлишдан иборат.

Иккинчи даража:

Тарк қилиш вожиб эмас, балки мустаҳаб бўлган шубҳали нарсалардан четда бўлишдан иборат.

عَنْ أَبِي الْحَوْرَاءِ السَّعْدِيِّ
رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ
لِلْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ: مَا حَفِظْتَ
مِنْ رَسُولِ اللهِ؟ قَالَ:
حَفِظْتُ مِنْ رَسُولِ اللهِ «دَعْ
مَا يَرِيبُكَ إِلَى مَا لَا
يَرِيبُكَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ
وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ حِبَّانَ.

Абул Ҳавро Саъдий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳасан ибн Алига: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нимани ёд олгансан?» дедим.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ўзингни шубҳага солган нарсани қўй ва шубҳага солмаган нарсани қил»(деганлари**)ни ёд олганман», деди».**

Термизий, Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

Бу ердаги қайтаришни «танзийҳий» – «эҳтиётий» деймиз. Баъзи ҳолатларда бундай нарсалардан вараъ қилиш макруҳ ҳам бўлиб қолиши бор. Мисол учун, бир киши ов қилишдан тортинади ва «Ов ҳайвони бировнинг мулки ёки қўлидан қочгани бўлиши мумкин», дейди. Бу вараъ эмас, васвасадир.

Учинчи даража:

Муттақийлар даражаси бўлиб, у ёмон оқибатдан қўрқиб, баъзи рухсат берилган нарсаларни ҳам тарк қилишдан иборатдир.

عَنْ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنْ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: «لَا يَبْلُغُ الْعَبْدُ أَنْ يَكُونَ مِنَ الْمُتَّقِينَ حَتَّى يَدَعَ مَا لَا بَأْسَ بِهِ حَذَرًا مِمَّا بِهِ بَأْسٌ.

Атийя розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Токи банда ҳечқиси йўқ нарсани бирор нарсаси бўлмасин, дея тарк қилмагунича тақводорлар даражасига етмас», дедилар».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу:

«Ҳаромга тушиб қолишимиздан қўрқиб, ҳалолнинг ўндан тўққизини тарк қилар эдик», деганлар.

Имом Суютий «Ад-Дуррул Мансур»да келтирадилар:

«Абу Дардо розияллоҳу анҳу:

«Тугал тақво банданинг ҳаттоки зарра ҳажмидаги нарсада ҳам Аллоҳга тақво қилмоғи ва ўзи билан ҳаромнинг орасида ҳижоб бўлиши учун ҳаттоки баъзи ҳалол билган нарсаларини ҳам ҳаромлигидан қўрқиб, тарк қилмоғидир», дедилар».

Тўртинчи даража:

Сиддиқлар даражаси бўлиб, уларнинг наздида ҳалол топиш – сабабида маъсият бўлмаган, унинг ёрдами ила маъсият қилинмайдиган, ундан ҳозир ҳам, келажакда ҳам шаҳват қондириш кўзланмаган нарсадир. Фақат Аллоҳ таоло учун, ибодатга қувват топиш учун ва ҳаётни сақлаб қолиш учун тановул қилинадиган нарсадир.

Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.